*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

# Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Косьяненко Алексей Иванович** — Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари

**Мокеев Александр Михайлович** — Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Тўйлебоев Мансур Тулепович** — Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Хайруддинов Ринат Воҳитович** — Давлат солиқ қўмитасининг бошқарма бошлиғи

**«Жасорат» медали билан**

**Абдазов Насриддин Ғуломович** — Тошкент вилояти Зангиота тумани ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

**Абдуалиев Сапарбой Кошкинбоевич** — Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси «Тахтакўпир» божхона постининг катта инспектори

**Абдуллаев Паҳлавон Сайдуллаевич** — Мудофаа вазирлигининг взвод старшинаси

**Алимов Муротжон Пўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Алимуҳамедов Ғанижон Ойбекович** — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг тезкор вакили

**Оралов Азимжон Тошкентович** — Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасининг милиционери

**Охунов Бахтиёр Ҳошимович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи

**Боқижонов Қобулжон Қодирович** — Мудофаа вазирлигининг батальон командири

**Давлатов Шавкат Қодирберганович** — Ички ишлар вазирлиги махсус отряди катта тезкор вакили

**Давлатов Ўктам Одамбоевич** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармасининг профилактика инспектори

**Демидкин Сергей Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Дўстматов Рустамжон Холмирзаевич** — Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ички ишлар бўлимининг инспектори

**Живницкий Виктор Иванович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи

**Эгамбердиев Илҳом Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Исаев Рустамжон Тўхтаохунович** — Ички ишлар вазирлиги махсус отряди катта тезкор вакили

**Қаюмов Бахтиёр Собирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кўчқоров Улуғбек Кўченбекович** — Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги алоҳида милиция батальони милиционери

**Мавлонов Ботир Фармонкулович** — Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Макаров Вячеслав Юрьевич (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мамадиев Шамсуддин Маҳмуталиевич** — Фарғона вилояти божхона бошқармасининг инспектори

**Маматов Санжар Ғозибоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Матчонов Матназар Саъдуллаевич** — Ички ишлар вазирлигининг катта тезкор вакили

**Матёқубов Шоназар** — Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи ўринбосари

**Махсудов Зухриддин Зойлобиддинович** — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бош бошқармасининг мутахассиси

**Махсутов Улуғбек Ғопиржонович** — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасининг бўлим бошлиғи

**Мирзакаримов Анвар Абдукаримович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирзааҳмедов Музаффар Мираҳматович** — Ички ишлар вазирлиги отряди гуруҳ командири

**Мўминов Абдураҳим Абдурасулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нормирзаев Бекмирза Гулмирзаевич** — Ички ишлар вазирлиги отрядининг катта тезкор вакили

**Норматов Иброҳим Мухаевич (марҳум)** — Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги алоҳида милиция батальони милиционери

**Ўринхўжаев Ориф Ҳамитхўжаевич** — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси милиционери

**Пирматов Зафар Отамуротович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ражабов Камолиддин Темирович** — Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармасининг ҳайдовчиси

**Расулов Мирсодиқ Салимбоевич** — Мудофаа вазирлигининг бригада командири

**Раҳмонов Юсуфжон Иброҳимович** — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Розиқов Муҳиддин Нуриддинович** — Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бўлинма командири

**Рузинов Равшанбек Раҳматалиевич** — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти

**Рустамов Зокирали Акбарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Савчук Леонид Викторович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Саидов Толибжон Баҳодирович** — Бухоро вилоят божхона бошқармаси «Олот» божхона постининг бошлиғи

**Сирожиддинов Носир Бурхонович** — Ички ишлар вазирлигининг тезкор вакили

**Тошхўжаев Аваз Анвархўжаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тошхўжаев Ҳабибулла Баҳодирович** — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси милиционери

**Ўктамов Рустам Ҳусниддинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Фозилбоев Абдуқаюм Абдужалилович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи

**Ҳакимов Ихтиёр Бахтиёрович (марҳум)** — Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги алоҳида милиция батальони милиционери

**Ҳамроев Илҳом Анварович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳикматов Илҳом Маҳмудович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қолдибоев Мирзоҳид Сайдаҳматович** — Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ички ишлар бошқармасининг профилактика инспектори

**«Шуҳрат» медали билан**

**Айрапетян Арамаис Ишханович** — Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратураси катта терговчиси

**Алиева Матлюба Ғаниевна** — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг котибият мудири

**Оманов Искандар Равшанович** — Мудофаа вазирлигининг батальон командири

**Андреев Борис Юрьевич** — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлим бошлиғи

**Аюпов Наиль Рауфович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бегалиев Садриддин Рустамович** — Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси «Қарши» темир йўл бекати божхона пости бошлиғи

**Бобожонов Маҳмуджон Дурдиевич** — Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг судьяси

**Бреднева Любовь Сергеевна** — Адлия вазирлигининг бош маслаҳатчиси

**Ғозибоев Ҳабибулла Пайзиевич** — Давлат солиқ қўмитасининг бўлим бошлиғи

**Давлатов Илҳом Бобомуротович** — Навоий шаҳар ички ишлар бошқармаси бўлинма бошлиғи

**Давронов Улуғбек Мирзадавлатович** — Мудофаа вазирлигининг батальон командири

**Жамолова Жамила Қудратовна** — Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси бўлими мутахассиси

**Исаков Альберт Валентинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Исмоилов Ғуломжон Исроилович** — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отрядининг гуруҳ командири

**Қаландаров Бўрибой Ўрозович** — Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Қорабоев Абдулҳамид Давронович** — Наманган шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонасининг адвокати

**Каримов Аҳмадулла Иброҳимович** — Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармасининг бўлим бошлиғи

**Каримов Насриддин Кенжаевич** — Сирдарё вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи

**Мисиров Шукрилло Турсунович** — «Ватанпарвар» ташкилоти Андижон авиация-спорт клубининг командири

**Муҳамедов Алишер** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи

**Муҳиддинов Равшан Абдулатифович** — Жиззах вилоят прокурори

**Раджабова Санобар Раҳмоновна** — Қашқадарё вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори

**Раҳмонов Султонбой** — Хоразм вилоят хўжалик судининг судьяси

**Ризабоев Обид Норқўзиевич** — Давлат божхона қўмитаси миллий кинология марказининг кинологи

**Сатторов Рустамжон Обиджонович** — Мудофаа вазирлигининг дивизион секцияси командири

**Сиддиқов Нафиқ Сиддиқович** — Ички ишлар вазирлигининг тезкор вакили

**Тожиқулов Авазбек Маматиброҳимович** — Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Турсунов Бобожон Пиримович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари махсус марказининг бўлим бошлиғи

**Усанов Шуҳрат Абдурашитович** — Андижон вилоят адлия бошқармасининг бош маслаҳатчиси

**Усмонова Холида Муҳсимовна** — Давлат божхона қўмитасининг бўлим бошлиғи

**Ҳакимова Холида Муротовна** — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 1-давлат нотариал идорасининг катта нотариуси

**Ҳасанов Зокир Бўриевич** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг катта авиация механиги

**Худойбердиев Зокир Сирлибоевич** — Тошкент шаҳар Чилонзор туман прокуратурасининг катта терговчиси

**Худойбердиева Зулайҳо** — Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг судьяси

**Шодиқулов Саттор Тўрақулович** — Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабининг катта инструктори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 24 август.



# Иш билганга минг танга

*Шундай фермер хўжаликлари борки, ҳар йили тонналаб сабзавот маҳсулотлари етиштиради-ю, уларни бозорда арзон-гаровга сотгани туфайли тайинли даромад ололмайди. Марҳамат туманидаги «Манзур» фермер хўжалигида ҳам йилига 400 тонна помидор ва 100 тоннадан зиёд бодринг саранжомланади. Аммо фермер хўжалиги раҳбари Эргашали Умаров уларни қайта ишлаб, тузланган 70 тонна бодринг ва 60 тонна помидор тайёрлайди. Бу эса унга мўмай даромад келтирмоқда.*

**СУРАТДА: қайта ишлаш цехининг ишчиси Дилфуза Шарипова тайёр маҳсулотларни кўздан кечираяпти.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Идоралараро ишчи гуруҳи йиғилиши

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ички ишлар вазирлигининг терговс бош бошқармаси томонидан Ўзбекистон Адвокатлар уюшмаси билан ҳамкорликда "Дастлабки терговс ва терговолди текшируви жараёнида ушланган, гумонланувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш тартиби тўғрисида"ги низом ишлаб чиқилиб, амалиётга киритилгани қайд этилди. Мазкур Низом ЕҲҲТ томонидан ижобий тажриба сифатида Европа Кенгашининг бошқа аъзо давлатларига ҳам қўлланишга тавсия этилди.

Идоралараро ишчи гуруҳи аъзоларига "Жазони ижро этиш муассасаларига дипломатик корпус, халқаро ноҳукумат ва маҳаллий нодавлат-нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ташрифини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги йўриқнома лойиҳаси тақдим этилди.

Тадбирлар режасининг ижросини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази вакиллари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан Қорақалпоғистон Республикаси "Жаслиқ" қўрғонида жойлашган жазони ижро этиш муассасасида жазо ўтаётган маҳкумларнинг сақланиш шароитлари бевосита шу жойнинг ўзида ўрганиб чиқилди.

Натижалар мазкур умумий тартибдаги колонияда жазони ўтаётган маҳкумларга етарли даражада шароит яратилганлигини кўрсатди. Жумладан, сув ва электр таъминоти, тиббий ва бошқа хизматлар таъминланган. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жорий йилда мазкур муассасада АҚШ, Буюк Британия элчихоналари ва Ҳалқаро қизил хоч қўмитаси, ЕҲҲТ вакиллари ҳам бўлган.

Йиғилишда "Жаслиқ" қўрғонида жойлашган жазони ижро этиш муассасасида маҳкумларни сақлаш шароитини келгусида янада яхшилаш бўйича таклифлар айтилди. Идоралараро ишчи гуруҳига юклатилган вазифаларни изчиллик билан бажаришни давом эттириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

**(ЎзА).**

## Телекоммуникациянинг янги тармоғи

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "East Telecom" Ўзбекистон-Буюк Британия-Россия қўшма корхонаси "NGN" тармоғининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда алоқа тизимида фаолият кўрсатаётган корхоналар раҳбарлари, англиялик ва россиялик мутахассислар, республикамизда алоқа хизматидан фойдаланаётган турли вазирлик ҳамда идораларнинг вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, замонавий, жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган янги алоқа тизими соҳада мавжуд тармоқларни бошқариш, янги хизмат турларини яратиш, универсал транспорт тармоғини амалга оширишга мўлжалланган. Умуман, у чекланмаган хизматлар мажмуасидир.

Бугунги кунда республикамизда алоқа соҳаси, информация ва телекоммуникация тармоғи жадал ривожланиб бормоқда. Бу, албатта, Президентимизнинг 2002 йил 30 майдаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонига кўра, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Миллий дастур ижросининг самарасидир. Чунки мазкур ҳужжатларда миллий ахборотлаштириш тизимини яратиш, иқтисодиётда ва жамият ҳар бир аъзоси ҳаётига компьютер техникаси ҳамда ахборот технологияларини оммавий татбиқ этиш шартлари белгилаб берилган.

Айни чоғда мамлакатимиз телекоммуникация бозори ўзига хос ижобий янгиланишлар даврига кирди. Янги, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган хизматлар ва информация соҳасидаги хабарлар оқими мижозларнинг эҳтиёжини қондиришда муҳим омил бўлмоқда. Лекин дунёда алоқа тизимининг ривожланиб бораётганлиги янги, замонавий технологияларни қўллашни тақозо қилмоқда. Хорижлик ҳамкорлар билан "NGN" тармоғининг очилиши шу мақсад йўлида хизмат қилади.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

# Амударё узра бунёд этилган қўшма автомобиль ва темир йўл кўприги қурилишида фаол қатнашган ишчи ва хизматчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Лысенко Николай Васильевич** — "Кўприкқурилиш" трести 14-кўприк қуриш отрядининг автокран машинисти

**Муҳамедов Ғафуржон Каримович** — "Кўприкқурилиш" трестининг бошқарувчиси

**Мушеев Мурдухай Данилович** — "Ўзпўлатқурилмалойиҳа" ёпиқ акциядорлик жамияти директори

**Рўзиев Ҳаким Тангриевич** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компаниясининг молия ва бухгалтерия ҳисоботи бошқармаси бошлиғи

**Фахриев Қаюм Ковиевич** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси 203-тажриба йўл машина станциясининг кран машинисти

**"Шуҳрат" медали билан**

**Бойко Александр Анатольевич** — "Кўприкқурилиш" трести 67-кўприк қуриш отрядининг ҳайдовчиси

**Гарепова Галина Юрьевна** — "Кўприкқурилиш" трести 13-кўприк қуриш отрядининг етакчи муҳандиси

**Давлетов Геннадий Миндагалиевич** — "Кўприкқурилиш" трести 13-кўприк қуриш отрядининг кран машинисти

**Қурбонниёзов Ережепбой Реймович** — "Кўприкқурилиш" трести 14-кўприк қуриш отрядининг ҳайдовчиси

**Машарипов Иброҳим Жуманиёзович** — "Хоразмавтойўл" йўллардан фойдаланиш бошқармасига қарашли автожамланма ҳайдовчиси

**Нургалиев Тоҳир Қаюмович** — "Тўйтепаметаллқурилмалари" очиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бўйича бошқарув раиси ўринбосари

**Собиров Бахтиёр Матёқубович** — "Темирйўлтаъминот" давлат ишлаб чиқариш корхонасининг Урганч бекатидаги ишлаб чиқариш корхонаси директори

**Саидхўжаев Абдумалик Паттоҳович** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонасининг асбобсозлик-механика цехи токари

**Сапоев Норбой** — Тўрткўл тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси прораби

**Семенов Геннадий Никифорович** — "Боштранслойиҳа" транспорт бўйича бош лойиҳа қидирув институти очиқ акциядорлик жамиятининг лойиҳалар бўйича бош муҳандиси

**Халиллаев Бозорбой Ҳабибуллаевич** — "Кўприкқурилиш" трести 14-кўприк қуриш отрядининг пўлат ва темир-бетон конструкциялари бўйича монтажчиси

**Шукуров Равшан Султонович** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси 214-машиналашган темир йўл станциясининг кран машинисти

**Юсупова Людмила Михайловна** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси "Капитал қурилиш ва техникавий қайта қуролланиш дирекцияси" унитар корхонасининг режалаштириш бўлими бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 август.

# Қирғизистондаги куйдирги қўшнилардан ўтган эмас

***«Қирғизинфо» ахборот агентлиги 25 августда тарқатган хабарда Қирғизистоннинг жанубий минтақасида учраган куйдирги касаллигининг манбаи гўё Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятидан келтирилган қорамол эканлиги таъкидланади.***

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати департаменти бошлиғи доктор Нурмат Отабековдан аниқлашимизча, Қирғизистон давлат санитария-эпидемиология назоратининг Аравон туман бўлими мудири Осмон Ғойиповдан олинган мазкур ахборот ҳақиқий аҳволга мутлақо мос келмайди. Республикада эпидемиологик вазият билан боғлиқ ҳолат етарли назорат остига олинган. Ўзбекистонда эпидемиологик станциялар доимий ҳаракатда бўлиб, унинг ходимлари чорва молларини ўз вақтида эмлаб туришибди. Мамлакатимиз ҳудудида шу ёзда қўшни Туркманистонда бир неча бор рўй берган вабо касаллиги туфайли ҳам назорат кучайтирилган.

Эпидемиологик вазиятни назорат қилиш иши билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли хизматларидан ташқари, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, «Чегара билмас врачлар» ва Германия техник ҳамкорлик жамияти каби бир қанча халқаро ташкилотлар шуғулланмоқда. Техник ҳамкорлик жамияти вакили доктор Ханс Вилт 2004 йил 24 августда «Немис тўлқини»га берган интервьюсида «Ўзбекистон ҳудудида вабо ёки куйдирги касалликлари учрамаган»лигини баён этди. «Биз олган энг сўнгги маълумот бўйича, — деб қўшимча қилди Ханс Вилт ўз интервьюсида, — Қирғизистонда икки ҳафта муқаддам куйдирги касаллиги борлиги аниқланган».

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қароргоҳининг Ўзбекистондаги вакили доктор Зокир Хўжаевнинг сўзларига қараганда, мазкур ташкилотда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан яхши алоқа йўлга қўйилган, лекин вазирликдан касаллик тарқалганлиги ҳақида ҳеч қандай хабар келгани йўқ.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, қўшни Қирғизистонда куйдирги касаллигига собиқ иттифоқнинг вабога қарши тизимидаги олтита тадқиқот станцияларидан бирида сақланиб қолган асорат манба вазифасини бажарган бўлиши мумкин. Шундай станциялар олтита институтда бўлиб, улардан бештаси Россияда, биттаси эса Қирғизистонда жойлашган.

Ҳа, ёлғон хабар тарқатганлар қўшниларни асоссиз айблагандан кўра, ўзларидаги мавжуд манбаларни текширсалар ва санитария- эпидемиология станцияларининг амалдаги тизимини яхшилаш ҳақида ўйласалар дуруст бўларди.

**Равшан АКБАРОВ.**

## Истиқлолнома

***Уч ойдирки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги "Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлигига ва букилмас иродасига боғлиқ" деган нутқи таъсирида яшайман. Сессия залида бу нутқ қанчалик вужудимни қамраб олган бўлса, нашр этилгач уни мукаммал бир асар сифатида ҳар куни бир қўлга оладиган, бирор жумласи, бирор саҳифасини ўқисам, ўтган ўн уч йиллик қисқа, лекин залворли тарихнинг бирор манзараси кўз ўнгимда акс этадиган бўлиб қолди. Зеро, мустақиллик эълон қилинганда мен эллик ёшда эдим. Бу ёшдаги одам энди ҳар бир воқеа-ҳодисага босиқлик билан қарайдиган, одамларнинг хатти-ҳаракатларидан қандай мақсадларни кўзлаётганини ҳис қила оладиган, оқ-қорани, дўсту душманни фарқлайдиган бўлади. Шунинг учун ҳар бир ўзбекистонлик қатори ўз тақдирини мустақиллик билан боғлаган қаламкаш сифатида ана шу нутқ баҳона, кўнгилдан кечган гапларни қоғозга туширдим.***

# ЎЗИ БЎЛИБ ЯШАЙДИ ЎЗБЕК

### Бу кунлар қадри

1991 йилнинг 31 августи. Телевидение Ўзбекистон Олий Кенгаши сессиясини олиб кўрсатмоқда эди. Собиқ иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб Президентлик бошқарувини жорий этган Ислом Каримов Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилди. Залда ўтирганлар бир лаҳза донг қотиб қолдилар. Гўё ярим тунда чарақлаб қуёш чиқди. Гўё сўқир кўзлар очилиб кетди. Нима бўлганини, нима бўлаётганини англаб етгунча чақмоқ чақишдай фурсат ўтди. Тарих ўз йўналишини ўзгартирди. Ана шу бир лаҳзалик сукунутдан сўнг зал оёққа қалқди. Гулдурос қарсаклардан мажлис зали шифтлари қалқигандай бўлди.

Ҳа, тарихий бурилиш содир бўлган эди. Турли хуружлар ва камситишлардан оёқости бўлган ўлка мутелик ва маънавий қарамликдан ўзлигини йўқота борган миллат ўша лаҳзада ўз тақдирини қўлига олган, ўзи бўлиб яшаш ҳуқуқига эришган эди.

Ўша залда ҳозир бўлганларнинг хаёлидан нималар кечгани ҳақида бугун фол очиш қийин. Лекин бу мажлисда бутун умри коммунистик мафкурага хизмат қилиб ўтган, шу мафкурани ўз эътиқоди даражасида тутганлар ҳам, ўзини мустақиллик йўлида фидойи курашчилар кўрсатиб турли ҳаракатлар, оқимлар, партиялар тузиб раҳбарлик қилиб юрган арбобчалар ҳам, энди ҳолимиз нима кечади деб ичэтини еганлар ҳам, мустақилликнинг мураккаб йўлидаги ҳар бир жараённи ўз номи билан боғлаб юрган корчалонлар ҳам, ўз ватанларига тезроқ кетиб олишни мўлжаллаган вакил оғалар ҳам бўлганлиги аниқ. Янги мустақил давлатда менга қандай курси тегадию, қандай лавозимни олиш учун курашишим керак, деб режа тузувчилар борлиги ҳам аён.

Айни пайтда шу нарса ҳам аёнки, тарихий жараён путури кетиб бораётганига қарамай, зуғумни давом эттираётган "буюк салтанат"нинг қатағонларидан ҳар бир халқни асрашга қодир ва жасур ўғлонларнинг майдонга чиқишини тақазо этар эди. Ўзбекистонда оддий пахтакордан вилоят ва республика раҳбарларигача бўлган кишиларни домига тортиб бораётган, ўнлаб қурбонлар, минглаб маҳбуслар авахтага тиқилган пайтда ҳам афанди мижоз қозидай "сени гапинг ҳам тўғри" деб ялтоғланиб турган бир қуюққош "доҳий"нинг ўрнига Парвардигор ўз халқи дарду ҳасратларини дилдан ҳис этадиган, унинг қадди-бастини тиклашга жонини тикиб қўйган шиддаткор Ислом Каримовни республика раҳбарлигига раво кўрди.

Олдиндан айтиб қўяй, мустақиллик эълон қилингунга қадар ўтган икки йилдан зиёдроқ даврдаги курашларда бу инсон кўрсатган жасорат ва мардлик мустақилликнинг ўтган ўн уч йили ичидаги фидойиликдан кам бўлгани йўқ. Унинг халқнинг турли табақалари билан учрашувлардаги мустақил ва дадил чиқишлари, хатти-ҳаракатларининг ҳар бири лавозиминигина эмас, ҳаётини, умрини гаровга қўйиш билан тенг эди. Унинг сўзи билан иши бирлиги, истиқболни аниқ белгилаш заковати, мамлакат ва халқ олдидаги масъулиятини ҳис этиш туйғуси ҳақли равишда умумхалқ эътирофига сазовор бўлди ва ҳар бир соғлом одам унинг маслакдошига айланди. Ўз тақдирини, мамлакат тақдирини унга ишонди. Бундай эътироф ва ишонч уни ҳақли равишда халқнинг йўлбошчисига айлантирди, жаҳон унинг сиймосида Ўзбекистон деган мустақил давлатни таниди, дунё тақдирига дахлдор буюк мамлакатлар раҳбарлари ҳам унинг ақлу заковатини, донишмандлигини тан олиб, у билан ҳисоблашадиган бўлдилар.

Одамзод дунёга келган экан, кўкрагини тўлдириб нафас олиши, хўжалар қамчиси ва зуғумидан чўчимай эркин яшаши, худо ўзига насиб этган уйи, юрти, ватанида эгалик ҳиссини туйиши лозим. Башариятнинг барча даҳо фарзандлари шунинг учун курашганлар. Миллий мустақиллик, миллатнинг озодлиги, Ватаннинг дахлсизлиги ва ободлиги улар учун ҳамма туйғулардан муқаддасроқ бўлган.

Демак, мустақилликнинг қадри сенинг ё менинг қандай вазифани эгаллашимда эмас, балки халқимнинг қадди ва қадри нечоғли юксалишида намоён бўлади. Истиқлол ҳеч қандай амалий иш қилмасдан каттароқ луқма талашишни эмас, балки ўзининг халқ ва ватан манфаатлари, равнақи йўлида нималарга қодир эканлигини амалда кўрсатишни тақозо этади.

Истиқлолни ана шу туйғулар билан кутлаганлар уни мустаҳкамлаш йўлидаги машаққатлардан чўчимай ва нолимай Ватаннинг фаол фуқароси ҳамда тақдирини ўз халқи билан боғлаган халқ фарзанди бўлиб қоладилар. Уни ўз ҳузур ҳаловатигина деб билганлар эса худбинлик ва разолат кўчасига кириб кетадилар.

### Оллоҳ ўзи асрагай

Давлатимиз раҳбари сессиядаги маърузасидаги шу йил 29-30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри ва вилояти, Ромитан туманидаги террористик хуружларни шарҳлаш воситасида умуман дунёда терроризмнинг разил қилмишларини фош этдилар.

"Аввало, Оллоҳнинг ўзи юртимизни асради... — деди Йўлбошчимиз. Ўзингиз фараз қилинг, Ромитан туманида террорчилар кўплаб портлатиш воситаларини тайёрлаб, одамлар гавжум жойларда кўпорувчилик уюштирмоқчи бўлган. Агар уларнинг машъум нияти амалга ошганида, яна қанча-қанча бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлиши мумкин эди».

Бу гапларни эшитиб ўтириб, кўз ўнгимдан ўн уч йил давомида халққа, ватанга, тузумга қарши жиноят жараёнлари ўтди. Ана шу давр ичида мустақилликни ҳазм қилолмаганлар неча бор қиёфаларини ўзгартирмадилару, неча марта унга таҳдид солиш, халқимиз оромини бузиш йўлидаги усулларини алмаштирмадилар, дейсиз.

Дастлаб ўзларини истиқлол фидойилари сифатида кўрсатиб, турли партия ва ҳаракатларга бирлашганлар, охир-оқибатда, ўзаро курси талашиб пароканда бўлиб кетдилар. Кейин эса, Ислом халифалиги давлати қуриш йўлида ўзларига амир, амиралмуслимин деган сохта рутбаларни ёпиштириб, 1991 йилнинг 8-12 декабрида Наманганда кўнгилсиз манзаралар яратдилар. Ҳозирги вилоят ҳокимлиги биносини эгаллаб олиб, ўзларини хон, қўланкаларини майдон санадилар. Ўша жараёнда давлатимиз раҳбари кўзига қон тўлган бангинамо тўда орасига кириб бориб, мардона суҳбат ўтказди ва истиқлол барқарор эканига халқда ишонч уйғотди.

1999 йил 16 февраль фожеаси — Президентга суиқасд, республиканинг бутун раҳбарлари жамланган йиғилиш залини портлатишга уриниш...

Мана, энди орадан беш йил ўтиб, пойтахтда ва Бухоро вилоятида содир этилган, Худога шукурки, муддаосига эриша олмаган террористик хуружлар...

Ана шу хуружларни таҳлил этар экан, Президентимиз шундай деди:

".... Битта масала барчамизга аён бўлиши керак. Бу портлашларни кўр-кўрона бажарган онги паст, калтабин, мияси заҳарланган ижрочилар бор. Шунингдек, буларни уюштириб, ўз халқига қарши жиноятга йўллаган ташкилотчи ва раҳнамолар ҳам борки, уларни бир-биридан ажратиш, ҳар қайсисига алоҳида баҳо бериш зарур.

Фақат мана шундай кўз билан қараб, бу воқеаларнинг таг-томирига етиб боришимиз, Ўзбекистонни, унинг мақсад-муддаоларини кўролмайдиган, кўп йиллардан буён кўпорувчи-террорчилик ҳаракатларини олиб бораётган кучлар ва марказларни, уларнинг разил қиёфасини ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз, узоқни кўзлаган манфур ниятларини тушунишимиз мумкин».

Терроризм — олам ва башарият учун бир офат. Аммо унинг бошида турганлардан тортиб майда малайларигача худбинлик ботқоғига ботган. Худбинлик шундай балоки, унинг домига тушган кимса учун муқаддас нарса қолмайди, одамлар муқаддас деб санаган туйғуларни улар ўз чиркин ниятига хизмат қилдиришга интилади. Озодлик муқаддас саналган пайтда улар озодлик учун курашчи, адолат муқаддас бўлган жойда адолат ҳомийси, демократия ҳақида гап кетса оташин демократ ниқобини киядилар. Дин ҳақида гап кетса, ўз кирдикорларини диний йўл билан баҳолайдилар. Аслида эса уларга бу қарашлар ва туйғулар ёт. Ёвуз ниятлари амалга ошса бўлди. Дин эса...

### Биз киммиз

«... Биз киммиз, ўзбекмиз, бир миллат вакилимиз, бир миллат ворисларимиз, деб ўзимизни кўрсатишимиз зарур, — деди Президентимиз сессияда. — Шундагина ғаразли ният билан орамизни бузиб, болаларимизни биздан ажратиб, ўзимизга қарши қўяётган кучларга қарши кураша оламиз...»

Мустақиллик туфайли биз жаҳонга юз тутдиқ. Жаҳон бизни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари сифатида эътироф этди. Айни пайтда биз дунёнинг ҳамма халқларига бағримизни очдик. Ўзбекона меҳмондўстлигимизни, қайси соҳада бўлмасин, ишончли шерик ва ҳамкор эканимизни амалда кўрсатдик, кўрсатмоқдамиз. Ватанимиздаги барқарорлик ва халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, ёрқин истиқболга ишончи, меҳнати мамлакатимизга яхши ният билан қадам қўйган ҳар бир арбобни, тадбиркорни комил ишонч билан шериклик қилишга руҳлантирмоқда.

Тарихан жуда қисқа давр ичида қўлга киритган ютуқларимиз, шаҳру қишлоқларимизнинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани эзгу ниятли одамларда ҳайрат ва хайрихоҳлик туғдирмоқда, бадният кимсаларида эса ғараз ва ҳасад қўзғаб, турли йўллар билан халқимизни, турмуш тарзимизни камситишга ундамоқда.

Ана шу жараёнда бизнинг ўзбеклигимиз, ўз маънавий дунёмизга ақлу заковатимизга, қадриятларимизга, ахлоқимизга, анъаналаримизга, руҳимизга, асрлар давомида шаклланган турмуш тарзимизга ва мустаҳкам эътиқодга эгалигимиз намоён бўлади. Булар бизнинг бебаҳо бойлигимиз ва уларни асраш йўлидаги, бойитиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз бизнинг ғуруримизни белгилайди.

Аксинча ким нима деса лақиллаб, қайси йўлга бошласа суриштирмай ортидан эргашавериш ғуруримизни топтайди. Маънавий мухолифларимиз ҳамиша ана шундай ғуруридан айри одамларга таянадилар.

Бугун дунёда нима кўп, газета ва журнал, нима кўп, радиостанция, нима кўп — ўз гапи ўзига маъқул, калласига келган гапни мутлақ ҳақиқат деб дунёга жар соладиган, шов-шувга ишқибоз сиёсий чайқовчи. Ҳали у ёки бу газетада, ҳали бирор радиостанцияда Ўзбекистонда демократик тамойиллар бузилаётгани, демократия бўғилаётгани ҳақида асоссиз хабар ё мақола пайдо бўлиб қолади.

Хўш, демократия нима ўзи? Уларнинг фикрича, ўзи пухта ўрганиб, тагига етмаган (ҳатто кўрмаган) бирор муаммони рўкач қилиб истаган мамлакатни бадном қилиш, ким кимнинг тўшагида тунаганини тезроқ дунёга етказиб, обрў орттириш. Каттага ҳурмат, кичикка иззат, ёр-дўстга меҳру оқибат, қўни-қўшнига мурувват туйғуларини оёқ ости қилиб, бир умр бир-бирининг пайида юриш.

Бизга ана шундай демократияни олиб келмоқчи бўладилар. Ана шунда биз демократик давлат бўлармишмиз.

Бизнинг риоя ва андиша, бировнинг ҳақида фикр айтганда ҳақгўйлик, холислик, инсонпарварликни инобатга олишни, ҳар қандай шароитда одилликни талаб қиладиган турмуш тарзимизга бундай яланғоч демократия зид. Демократиянинг моҳияти, Президентимиз таъкидлаганидай, адолатдир.

Бизнинг ўтиш даврига хос муаммоларимизни, одамларнинг қобилиятига мос равишда табақалашуви жараёнидаги мураккабликларни рўкач қилиб маломат тошини отаётганлар наҳотки бир нарсани ўйламасалар? Дунёнинг қайси мамлакатида муаммо йўқ? Қайси давлатда ҳамма бирдай, комрон ва беташвиш?..

Йўлбошчимиз мамлакатимиздаги муаммоларни ҳеч кимдан ҳеч қаерда яшираётгани йўқ. Айни пайтда уларнинг ечимлари йўлидаги изланишларни ҳам. Бу соҳада холис ниятли ҳамкорларга бағримиз очиқлигини айтиб турибди.

Аммо одамни ранжитадиган бошқа ҳолат ҳам юз бермоқда. Ана шундай ғарбона демократияни бизнинг турмуш тарзимизга суқиштирмоқчи бўлаётган корчалонлар ўзимиздан ҳам чиқиб қолмоқда. Ундайлар интернетда пайдо бўлаётган бизнинг шаънимизга номуносиб гап-сўзларни қурол қилиб, бизга нохолис ёндашаётганлар томонига ўтиб, ўзимиздан қусур қидирадилар.

Ўзбекнинг, ўз қадрини билган ўзбекнинг асрлар давомида уйидаги гап кўчага чиқмаган. Уйидаги гапни кўчада достон қилиб юрганлар ё ақли ноқис кимсалар, ё ўз хонадонига эгалик қилолмаган ношудлардир.

Шу ўринда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ташкилотларнинг кўпайиб бораётгани ҳайрон қолдиради. Қаердадир одамлар кўчада яланғоч юрса — унинг ҳуқуқи бўлса бордир, бизда бу шармандалик. Отаси ўғлини, ўғли онасини, қизи отасини судга бериб жавобгар қилиши инсон ҳуқуқи саналса санала қолсин, бизда бу беномуслик... Биз дуч келган давлат тажрибаларидан олинган қуруқ қонун-қоидаларга эмас, балки аждодларимиздан мерос қонун-қоидаларни табаррук биламиз ва ўзлигимизни қадрлаймиз. Демак, биз ҳар кимнинг ўз қонун-қоидасини тиқиштиришга, ўзбек миллати қиёфасини йўқотадиган тартиб-интизомларга муҳтож эмасмиз.

«Биз биринчи галда халқимиз, миллатимиз шаъни ва ғururини ўйлашимиз зарур, — дейди Президентимиз. — Такрор айтаман, эл-юртимизнинг ғурур-ифтихорини ўзимиз кўтаришимиз, эртанги кунимизни ўзимиз қуришимиз лозим». Бу ҳақиқат биринчи галда ўзбекнинг эътиқодига айланиши керак. Ана шундагина ғаламисларнинг иғвогарона ҳаракатлари ҳам, террорчиларнинг турли йўсиндаги хуружлари ҳам Ўзбекистонда ҳуқуқ тополмайди. Ўзбек ўзига бек бўлиб яшайди.

**Ҳабиб САЪДУЛЛА,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

---

*Жамоатчилик фикри*

## Ўзбекистон: МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 13 ЙИЛЛИГИ

***Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллиги байрами арафасида "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази республика аҳолиси ўртасида ижтимоий сўров ўтказди. Ундан кўзланган мақсад жамоатчилик фикридаги асосий йўналишлар ҳамда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишига берилаётган баҳолар суръатини аниқлашдир.***

Бу галги ва аввал ўтказилган сўровларнинг қиёсий натижалари Ўзбекистон фуқаролари жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни ижобий баҳолашидан далолат бермоқда. Сўралганларнинг мутлақ кўпчилиги мустақиллик йилларида босиб ўтилган йўлнинг энг асосий ютуғи мамлакатда тинчлик ва барқарорликнинг сақланиши ва мустаҳкамланиши, ижтимоий-сиёсий, миллатлараро ва диний низоларга йўл қўйилмаётганлиги, деб ҳисоблайди. Айни пайтда жамоатчилик фикри демократик ҳуқуқий давлат асосларининг яратилиши, миллий ва тарихий қадриятларнинг тикланиши, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар ва иқтисодиётнинг ўсиши, республикамизнинг халқаро эътирофи каби муҳим ютуқларни ажратиб кўрсатади.

"Барқарорлик, мустақилликни мустаҳкамлаш ва давлатимиз олдида турган муаммоларни муваффақиятли ҳал этишнинг кафили ким ёки нима?" деган саволга сўралганларнинг жуда кўп қисми (91,2 фоиз) "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов" деб жавоб берган. Жамоатчилик фикри давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган сиёсат Ўзбекистон халқи томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланиши ҳамда мамлакатда барқарорликни сақлаш ва мустақилликни мустаҳкамлашнинг бош омили эканлигини кўрсатмоқда. Аввалги йиллардаги каби бу галги сўров Ўзбекистон аҳолисининг Президентга ишончи юқори эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Жамиятнинг берган баҳосига кўра, мамлакат раҳбарияти аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кўп иш қилмоқда. Республика аҳолисининг Ўзбекистон ўтган йилларда иқтисодий, молиявий ва маънавий мустаҳкамланганлиги ҳақидаги қатъий фикри уларнинг эртанги кунга ишончи юқорилигидан далолат беради. Фуқароларнинг аксарияти (81,9 фоиз) яқин келажакда мамлакатимиз юқори даражада ривожланган ва гуллаб-яшнаган бўлишига ишонади.

Мустақил Ўзбекистонда фуқаролик онгининг шаклланиш жараёни, сўров натижаларига кўра, ижобий барқарорлиги билан ажралиб туради. У айниқса, ёшлар ўртасида жадал кечмоқда. Аҳоли онгида мустақил Ватан ғояси қарор топди. Бу шундан далолат берадики, муаммолар бор бўлса-да, фуқароларимиз унинг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишга тайёр.

Аҳолининг кўпчилиги диний экстремизм ва терроручиликни давлатимиз мустақиллигига асосий хавф деб билади. Сўров террорчиликка қарши кураш жараёнида умумий мақсад ва вазифалар йўлида бирлашган халқнинг жипслиги алоҳида аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлади. Шу ўринда ўзбекистонликларнинг ватанпарварлиги Ватанимиз буюк келажагига ишонч билан бевосита боғлиқ эканлигини қайд этиш лозим. Сўралганларнинг аксарияти давлат ҳокимияти террорчилик кўринишлари хавфини бартараф этишига амин бўлган. Аҳоли давлатнинг хавфсизликни мустаҳкамлаш, тинч ҳаётимизни кўролмаётган бузғунчи унсурларга қарши курашишга қаратилган чораларини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Жумладан, сўралганларнинг аксарияти (86,3 фоизи) мамлакат мудофаа қудрати юртимизда хавфсизлик ва ҳудудий дахлсизликни таъминлашига ишонади.

Мустақиллик куни арафасида ўтказилган социологик тадқиқот Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлиги ва улар аҳоли томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланишини аниқ кўрсатди. Жамоатчилик фикри сўрови шуни намойиш этдики, мустақиллик йилларида Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлашда салмоқли ютуқларга эришди, халқаро ҳамжамиятда мустаҳкам ўрин эгаллади.

**"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади.**

---

## «Меҳригиёҳ» дориворлари

Шофиркон туманида ташкил этилган иккита янги дорихона бошқаларидан анчайин фарқ қилади. Мутасаддиси «Меҳригиёҳ» хайрия жамғармаси бўлган бу дорихоналардаги дори-дармонларнинг муайян қисми кам таъминланган оилаларга 50 фоизгача арзон нархда, ногиронларга эса бепул берилади.

Шунингдек, дори-дармонларнинг 50 фоизини сотиш ҳисобидан келган фойданинг бир қисми хайр-эҳсон ишларига йўналтирилади. Яқин орада Ғиждувон туманида, йил охиригача эса аксарият туманларда ҳам «Меҳригиёҳ»нинг хайрия дорихоналари очилиши кўзда тутилган. Улар боқувчисини йўқотган етимларга, ногиронларга меҳр-мурувват хизматини кўрсатади.

**Ҳасан АРАБОВ.**

---

## Дилноза — бронза нишони соҳибаси

*Бангладеш Шишу академияси томонидан ташкил этилган анъанавий 3-Биеннел халқаро болалар санъати мусобақаси ниҳоясига етди. Унинг натижаларига кўра, ҳамюртимиз — 9 ёшли мактаб ўқувчиси Дилноза Холматова бронза нишонини қўлга киритди. Шунингдек, яна 12 нафар ўзбекистонлик ёш рассомга ушбу халқаро мусобақанинг фахрий ёрлиқлари топширилди.*

*Анъанавий мусобақанинг асосий мақсади болаларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришдан иборатдир.*

*1976 йили ўз фаолиятини бошлаган мазкур академия ҳозирги пайтда Бангладешнинг 64 та туманида ўз бўлимларига эга. У 1998 йилдан буён Биеннел халқаро болалар расмлари мусобақасини ўтказиб келади. Қабул қилинган тартиб-қоидага мувофиқ, ёш рассомларнинг ижод намуналари уларнинг ёшига қараб (6 ёшдан 18 ёшгача) 6 гуруҳга бўлинган ҳолда кўриб чиқилади.*

**Шуҳрат УМИРОВ.**
**"Жаҳон" АА.**
**Деҳли.**

---

# ИМКОНИЯТ — БИР ХИЛ, ШАРОИТ — ТУРЛИЧА...

Яқинда Янгиқўрғон туманидаги Исковот қишлоғида болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Энди имкониятлар янада кенгаяди, спортда қишлоқ довруғини оширадиганлар сафи ортади. Чунки салкам 300 миллион сўм сарфланиб, бунёд этилган мажмуа барча жиҳатлари билан жаҳон андозаларига жавоб беради. Гарчи маблағнинг ярмидан кўпроғини Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси берган бўлса-да, ҳудуддаги "Исковот" ширкат хўжалиги, қишлоқ аҳли ҳам қараб тургани йўқ. Мажмуада 150 нафар ўғил-қиз бир йўла спортнинг 8 тури билан шуғулланиши мумкин. Футбол, волейбол, қўл тўпи майдонлари, енгил атлетика йўлаклари, стол тенниси, шахмат-шашка учун ажратилган жойлар ҳамиша болалар билан тўла. Йирик мусобақалар уюштирилган пайтда мингга яқин томошабин сиғади бу ерга.

— Қишлоқда яшаётган ўн мингга яқин ёшларнинг етти ярим минги вояга етмаганлар, — дейди "Исковот" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Усмонхон Нажмиддинов. — Улар ҳам жисмоний жиҳатдан, ҳам маънан баркамол ўсишлари учун барча шароит яратилди.

Қанийди, ҳамма жойда ҳам масалага Исковотдаги сингари ёндашишса, деган фикр келади хаёлингизга. Хўш, бошқа қишлоқларда нима гап?

Янгиқўрғон туманидаги «Бирлашган» қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли Иномжон Мақсудов гапни қурилишу ободончиликдан бошлади.

— Йўлда келаётиб кўргандирсизлар бунёдкорлик ишларимизни, — қувониб сўзлайди у. — Мана, «Оқсув — Ғазовон» маҳалласидаги милиция таянч пунктини ҳашар йўли билан қуриб битказдик. Марказий қўрғонда тикланаётган бозорга йигирма миллион сўм маблағ сарфладик. Тадбиркор Абдулҳай Буваматов ўз ҳисобидан гузар барпо этди.

Оқсоқол ўзининг дўкону чойхонасига эга ўнлаб тадбиркорлар ҳақида оғиз кўпиртириб гапирди. Бироқ, на шифохона, на ижтимоий ҳимоя ва на ёшлар тарбияси хусусида чурқ этмади.

— Ижтимоий иншоотлар қурилиши, масалан, спортсеварлар учун шароит яратиш қандай кечяпти? — унинг фикрини йўналтиришга ҳаракат қиламиз.

— Бу масалада гап бўлиши мумкин эмас. Обод қишлоқни спортсиз тасаввур этиб бўлармиди? Биласизми, бизда қандай спортчилар бор, ёшлар ўртасида каратэ бўйича республика чемпиони. Исми, ҳа нимайди... — Гўё қишлоқдан қатор-қатор чемпионлар чиққан-у, улар исми-шарифини ёдда сақлаб қолишга улгурмагандай мушкул аҳволга тушди И.Мақсудов. — Майли, буни қўя турайлик. Тўққизта мактабимиз бор, барида болалар спорти билан бемалол шуғулланиб туришибди. Қишлоқ аҳли учун эса «Деҳқонобод» маҳалласида каттагина стадион қуриб қўйибмиз. Каттаю кичик бўш

**Болалар спорти**



қолди дегунча ўша ерга чопади.

Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси айтганидай, "Бирлашган"дан мамлакат чемпиони чиққани бор гап. Каратэчи Дониёр Йўлдошев бултур пойтахтда ўтказилган мусобақада биринчи ўринни олиб қайтди. Бу ҳақда унинг маҳалладошлари фахрланиб сўзлаб беришди. Яна улар айтишдики, шундай маҳоратли йигит яшайдиган жойдаги спорт масканининг аҳволи жудаям ночор экан.

«Деҳқонобод» маҳалласидаги мазкур стадион "Гулшан" ширкат хўжалиги тасарруфида. Ишга туширилганига ўн йил бўлган иншоотдаги футбол дарвозаси, баскетбол, мини футбол, волейбол жиҳозлари эндиликда яроқсиз ҳолга тушиб қолган. У худди эгасиз ҳовлига ўхшайди. Маҳалла ариғидан оқизиб юборилган бир тегирмон сув футбол майдонини кўлга айлантирибди. Баскетбол учун мўлжалланган жой тиканзорга айланган. Стадионни маҳалла аҳлининг моллари эгаллаган. «Деҳқонобод» маҳалласида 2315 киши яшайди. Улар орасида вояга етмаган ёшларнинг ўзи 1300 нафардан ортиқ. Болаларнинг баъзилари ота-онасига ёрдамлашиб уйида куйманишаётган бўлса, бошқалари бекорчиликдан кўча кезади. Шуғулланай деса, фақат тўп тепишгагина шароит бор, холос. "Бу ёққа кел, бокс, каратэ ёки курашни ўргатаман", дейдиган фидойи топилмайди. Топилганда ҳам беш-ўнта болани тўплаб, ҳаракатга солиш учун жой керак.

Маҳалла аҳлининг 817 нафари ширкат хўжалигида ишлар экан. Табиийки, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга кўмаклашиш, фарзандлари учун зарур шароитларни яратиб бериш хўжалик зиммасида. Бироқ, неча бор мурожаат қилинишига қарамай, абгор стадионга раҳбарлар "жиддий" эътибор қаратмаяпти. Балки, хўжаликнинг иқтисоди кўтармас, дерсиз. "Гулшан" бултур дурустгина фойда билан чиққан. Бу йил ҳам узумлар ҳосили ғуж. Бунинг устига, ижарага берилган боғ ва токзорлар маблағи, дегандай... Фақат қаровсиз қолган стадионга ҳушёр нигоҳ билан қараш-у, болаларга ғамхўрлик етишмай турибди.

Зарур вақтда стадион, бошқа пайтда қорамоллар учун яйлов вазифасини ўтайдиган шундай маскан Тўрақўрғон туманидаги Сарой қишлоғини ҳам «безаб» турибди. Унинг Янгиқўрғондагидан фарқи шундаки, стадион расмий равишда фойдаланишга топширилмаган. Қишлоқ кишилари кўплаб учрашувларда туман ҳокимлиги эътиборига бу масалани қайта-қайта қўяётган эсалар-да, бирор ўзгариш йўқ. Натижаси эса аниқ. Бўш вақтни мазмунли ўтказишга жой ҳам, шароит ҳам тополмаган болалар ўзларини бўлар-бўлмас ишларга уряптилар.

Болалар спортига эътибор — келажакка масъулият билан қараш, демакдир. Бу масалага жиддий ёндашган фақат савоб орттиради. Юқоридаги икки манзарадан эса унга ким қандай муносабатда эканлигини англаб олиш қийин эмас. Зеро, тилга олинган ҳудудларнинг ҳар иккисида ҳам имкониятлар тенг. Моддий аҳволда ҳам тафовут катта эмас. Шундай экан, имкониятларни ишга солиб, одамларни ҳаракатга келтирадиганлар бу ерда топилармикан? Биз шу саволга ижобий жавоб кутамиз...

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ЮРТНИНГ ЧАРОҒОН ҚАНДИЛЛАРИ

***Ҳозирги кунда ҳаётимизни электр қувватисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хонадонлар, ишхоналар, таълим масканлари, шифохоналарда қандиллар чароғон экан, бунда, табиийки, нурчиларнинг хизматлари беқиёс.***

## Эл хизматига камарбаста

**“Фарғона электр тармоқлари” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ходимлари меҳнатидан қиёс. Корхонанинг ташкил топганига салкам эллик йил бўлган бўлса, ўтган вақт мобайнида салкам 20 минг километрлик электр узатиш тармоғи шаклланди. Дастлаб унда атиги 7 нафар киши ишларди. Бугун эса 2220 кишилик жамоа фаолият кўрсатмоқда. Эътиборлиси, улардан ўттиз нафари “Республикада хизмат кўрсатган саноат ходими” ва «Ўзбекистон энергетикаси фахрийси» деган шарафли унвонларга эгадир. Ботиржон Каримов, Тўлқинжон Солиев, Анваржон Мусаев, Абдураҳмон Аҳмадқулов, Ҳабибулла Усмонов, Исломжон Нажмиддинов, Аҳаджон Музаффаров, Сотиболди Абдураҳимов, Акбарали Раҳмонов ва бошқалар шулар сирасига киради.**

**Вилоят бўйича эса 16 та туман ва 3 та шаҳарда электр тармоқлари корхоналари мавжуд бўлиб, уларда 6360 та юқори кучланишли трансформатор шохобчаси ишлаб турибди. Ҳар бир хонадон, корхона, ташкилот ва бошқа истеъмолчилар электр қуввати билан узлуксиз таъминланмоқда.**

**— Биргина ўтган «Обод маҳалла йили»да маҳаллаларда қўшимча равишда 18173 киловаттга эга бўлган 58 дона трансформатор ўрнатилди, — дейди жамият бошқаруви раиси Эргашбой Бобоев. — 32 та эски трансформатор эса янгисига алмаштирилди. Бу ишларга 16 миллиондан ортиқ маблағ сарфланди.**

## Эътироф

Эргаш Бобоев ўз номига келган бир мактубни бизга ўқиб берди. Унда, жумладан, шундай дейилганди: “Маҳалламиз кейинги йилларда ҳам энига, ҳам бўйига кенгайди. Шу боис бундан қирқ йил илгари ўрнатилган трансформаторнинг қуввати етмай қолган эди. Сизга ва “ Олтиариқ тумани электр тармоқлари” акциядорлик жамиятига мурожаат қилганимиздан сўнг қисқа вақт ичида 250 киловольтлик янги трансформатор ўрнатиб берилди.

Натижада электр қуввати таъминотидаги узилишлар барҳам топди. Бунинг учун сизга ва ходимларингизга маҳалламиз аҳли номидан миннатдорчилик билдирамиз. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда ҳеч қачон чарчаманглар.

**М. ТУРСУНОВ,**
**«Бирлашган» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**
**Ю. УСМОНОВ,**
**маҳалла оқсоқоли.**
**Олтиариқ тумани.**

## «Шогирдларим билан фахрланаман»

Ягона электр тизими – мамлакатимизнинг катта бойлиги ҳисобланади. Шу тизимнинг бир кичик тармоғи — “Бағдод электр тармоқлари” ҳиссадорлик жамиятига мен узлуксиз ўттиз йил раҳбарлик қилдим.

Ўз ҳаётимда икки нарсадан ҳамиша хурсандман. Биринчиси, камтарона хизматларим давлатимиз томонидан юқори баҳоланди. Иккинчиси, вилоятнинг қайси жойига бормай, шогирдларимнинг “ Устоз” деб эъзозлашларидан бошим кўкка етади. Ҳисобласам, қирқдан ортиқ шогирдим бор экан. Улардан бири — Адҳамжон Раҳмонов бугунги кунда Бағдод электр тармоқлари корхонасини бошқармоқда. Бу корхона йилига салкам 23 минг истеъмолчига 423 миллион киловатт электр қуввати етказиб бермоқда.

**Абдураҳмон АҲМАДҚУЛОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими.**




## Факт ва рақамлар

****Фарғона вилоятида бугунги кунда электр тармоқларининг узунлиги 18880,5 километрга етди.***

****Кичик станциялар сони кейинги йилларда 5 минг 798 тадан 6 минг 360 тага кўпайиб, уларнинг қуввати 194 минг 855 киловаттдан ортди.***

****2003 йилда маҳаллаларда қўшимча 18 минг 173 киловатт қувватга эга 58 дона трансформаторлар ўрнатилди. 32 та эски трансформатор эса янгисига алмаштирилди.***

****Дастлаб тизимда 7 киши ишлаган бўлса, ҳозирда 2200 дан ортиқ ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда.***

## Меҳнат кишиси — ардоқда

“Фарғона электр тармоқлари” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Дилшод Жалиловнинг айтишича, ҳар йили маъмурият билан тузилган жамоа шартномаси шартлари бажарилиши қатъий назорат қилиб борилмоқда. Энг асосийси, ҳар бир ходимнинг меҳнатига яраша маош олиши таъминланаётир. Шу билан бирга, уларга етарли шароит яратиб бериш ҳам эътиборда. Мисол учун бултур ишчи-хизматчилар меҳнатини муҳофаза қилишга 71 миллион сўм сарфланди. 971 нафар ходимнинг касб малакаси оширилди.

Санаторий ва дам олиш масканларида саломатлигини тиклаб қайтган 515 нафар ходимга эса 4 миллион сўм маблағ ажратилди. Айни чоғда энергетика соҳасида узоқ вақт ишлаб, пенсияга чиққанлардан 197 кишига жамият томонидан қўшимча нафақа тўланмоқда.

“Меҳр ва мурувват йили” муносабати билан эса кам таъминланган оилаларга 22 миллион сўм ёрдам пули берилди.

## Муваффақият сири

**Электр қуввати таъминотида асқотадиган трансформатор ва бошқа ускуналарни мукаммал таъмирлаш устахонаси Водилда жойлашган. У 20 йилдан бери фаолият кўрсатаяпти.**

**— Биз 25 минг аҳолига, 1072 нафар хусусий тадбиркорга, 356 та ташкилотга ҳар ойда 15-18 миллион киловатт электр қувватини 1100 та трансформатор орқали етказиб берамиз, — дейди Фарғона тумани электр тармоқлари корхонасининг бошлиғи Муҳаммаджон Қодиров. — Техника техника-да, кутилмаганда ишдан чиқиб туради. Шу жиҳатдан олганда, бизнинг омадимиз юришган. Ўз устахонамиз бор. Бу ерда ишловчи усталар бир пасда ҳар қандай трансформаторни созлаб беришади. Шунинг учун бизда электр таъминотида узилишлар жуда кам бўлади. Электр қуввати учун тўловларни йиғишда эса маҳалла фуқаролар йиғинларининг ёрдами, айниқса, катта бўлаяпти. Шундай аҳилликда ишлаётганимиз туфайли ҳар ойда туманлар ўртасида юқори кўрсаткичларга эришмоқдамиз.**

**Материалларни Солижон УСМОНОВ ва Саид МУҚИМОВ тайёрлади.**

COSCOM

EN ISO 9001
Сертификат
75 100 70020

Ҳурматли юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонлари!
«COSCOM» сизларни **Мустақиллик байрами** билан қизғин табриклаб,
барчангизга фаровонлик, ишларингизда муваффақиятлар тилайди.

16.08.2004 дан 30.09.2004 гача
**«COSCOM» сизларга тақдим этади:**

Барча тариф режаларига
**ҲАҚИҚАТАН ҲАМ БЕПУЛ УЛАНИШ,**
**шунингдек, 20 дақиқа бепул эфир вақти.**

**СИФАТИГА БАҲО БЕРИНГ!**



NEW

**Тариф режалари:**

**«FORUM»**

Ўзбекистоннинг барча уяли алоқа операторлари абонентларига чиқиш қўнғироқларининг бир дақиқаси —

**$0.05**

«COSCOM» тармоғи ичидаги кириш мобил қўнғироқлари — БЕПУЛ.

**«COSCOM-LUX»**

**энди бор-йўғи — $65**

**ҲАҚИҚАТАН ҲАМ СИФАТЛИ ТАРМОҚ**

Диққат! «COSCOM» компанияси 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб,
бир ой ичида мижозни «манзил ўзгартириш» хизматининг трафики 3000 дақиқадан ортса,
ушбу хизматни мижозга ҳавола этишни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Нархлар қўшимча қиймат солиғисиз кўрсатилган. Тўлов Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган кундаги курс бўйича амалга оширилади.

**WWW.COSCOM.UZ** **Телефонлар: 180-00-00, 181-00-00, 182 00-00.** **Хизматлар лицензияланган.**


РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ
«ҒАЛЛАБАНК»и
БОШҚАРУВИ ВА МЕҲНАТ ЖАМОАСИ
Серқуёш Ўзбекистон халқини, шу жумладан,
ўз мижозлари ва акциядорларини
ВАТАНИМИЗ ИСТИҚЛОЛИНИНГ 13 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ
муносабати билан чин дилдан
муборакбод этади!
Барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва
ҳар бир хонадонга файзу барака тилайди.
Кутлуғ байрамга туҳфа сифатида янги
“SHODIYONA” омонат турини таклиф этади.
Ушбу омонатга ўз пул маблағларингизни
жорий йилнинг 15 сентябригача
қўйишингиз ҳамда 2 ой ҳисобидан
6 фоиз миқдорида даромад
олишингиз мумкин.
«Ғаллабанк» хонадонингизга барака
келтирсин !


«ЎзДЭУ банк»
жамоаси кўп миллатли
Ўзбекистон халқи, мижозлари
ва барча ҳамкасбларини
улуғ айём —
Мустақиллик
байрами
билан муборакбод этади !
Барчангизга бахт-саодат,
фаровон ҳаёт, тинчлик-
хотиржамлик, ишларингизда
улкан зафарлар тилаймиз !


BUSINESS BANK
«БИЗНЕС БАНК»
Ўзбекистоннинг
барча аҳолисини
улуғ айём —
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг
13 йиллиги билан самимий
табриклайди !
Барчангизга тинчлик-
хотиржамлик, бахт-
саодат, эзгулик ва
сиҳат-саломатлик
тилаймиз !
Ҳар биримизнинг муваффақиятларимиз
фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизнинг янада
тараққий этиши ва гуллаб-яшнашининг
омили бўлсин !

## Академик ТУРСУНБОЙ ЕШЧАНОВ

Мамлакатимиз илм-фани оғир жудоликка учради. Шафқатсиз ўлим Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, тиббиёт фанлари доктори Турсунбой Бойжанович Ешчановни орамиздан олиб кетди.

Т.Ешчанов 1940 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Кегайли туманида туғилди. 1965 йилда Самарқанд тиббиёт институтини муваффақиятли тамомлаб, 1970 йилда номзодлик, 1985 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Таниқли олим ўзининг кўп йиллик изланишлари натижасида Оролбўйи минтақаси шароитида аллергик касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва уларни самарали даволашнинг илмий йўналишига асос солди. Мазкур касалликларни даволаш юзасидан ишлаб чиққан усуллари бугунги кунда тиббиёт амалиётида кенг қўлланилмоқда.

Т.Ешчанов узоқ йиллар давомида соғлиқни сақлаш тизимида турли масъул лавозимларда ишлади. Жумладан, Дерматология ва венерология институти филиали, Қорақалпоғистон Клиник ва экспериментал тиббиёт илмий-тадқиқот институти директори, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири каби лавозимларда фаолият кўрсатиб, ўзининг ташкилотчилик қобилиятларини намоён этди. Қайси лавозимда ишламасин, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, бу соҳага илғор тиббий технологияларни жорий этиш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш ва малакали кадрлар тайёрлаш борасида ўзининг ташаббускорлик ва изланувчанлик фазилатларини намоён этди.

Жонкуяр олим сўнгги йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг раиси сифатида илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда минтақа ижтимоий-иқтисодий муаммоларини илмий ўрганиш ишларига катта ҳисса қўшди. Олимнинг 120 дан зиёд илмий иши, жумладан, 15 та монографияси нашр этилган.

Т.Ешчановнинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" ва "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" каби юксак унвонларга сазовор бўлган.

Йирик олим ва ажойиб инсон Турсунбой Бойжанович Ешчановнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

**Ўзбекистон Фанлар академияси**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги**
**Фан ва технологиялар маркази.**

## Қишлоқда болалар спорт мажмуи

Шу йилнинг бошида Қумқўрғондаги бешта хўжаликда янги спорт мажмуи қуришга киришилган эди. Шуларнинг ичида "Қумқўрғон" ширкат хўжалигининг раиси Абдулла Қурбонов уддабурон чиқди. Пудратчиларнинг ҳоли-жонига қўймай мажмуани айтилган муддатга қуриб битказишга эришди.

Мана бугун қулинг ўргилсин стадион, волейбол, баскетбол майдончалари, югуриш йўлкаларидан иборат мажмуа машқ қилиш ва мусобақалар ўтказиш учун тайёр.

Мажмуа қошида маҳалла гузари, супермаркет қурилмоқда. Ҳунармандлик, косиблик цехлари бунёд этилади.

"Қумқўрғон"чилар бу йил яна бир зўр иш қилдилар. Қишлоқларга юқори босимли газ қувурлари тортишди. Ҳадемай хонадонларда «зангори олов» ёнади.

Орзулари ушалиб, қўрғонлари ободонлашаётганидан маҳаллий аҳолининг боши осмонда.

**О. УСАНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

O'ZSANOATQURILIShBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

*Қарор ва ижро*

# НАҚД ПУЛ АЙЛАНМАСИ

***Республика акциядорлик-тижорат "Пахта банк"и Президент ва ҳукуматимизнинг банк тизимини бозор иқтисодиёти талаблари асосида изчил ислоҳ қилиб бориш, унинг фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган Фармон ва қарорлари ижросини таъминлашга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Аввало, банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, бунинг учун банк шохобчаларини кенгайтириб бориш, уларни бевосита аҳоли зич яшайдиган жойларга яқинлаштириш орқали мижозларни янада кўпайтириш, янги-янги банк хизмати турларини жорий этиш, банкнинг ахборот тизимини такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларга кенг кўламда ўтишга амалий ёрдам бериш учун пластик карточкаларни кўпайтириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқиб, изчил амалга оширмоқда. Натижада банк фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда.***

***Хусусан, банкнинг ялпи капитали, 2004 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, 2003 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 баравар ёки 7,9 миллиард сўмга ўсиб, 48,6 миллиард сўмга етди. Банкнинг ресурслар базаси эса шу давр ичида 20 фоизга кўпайди.***

***Таъкидлаш жоизки, "Пахта Банк" бошқаруви раҳбарияти банкнинг иқтисодий салоҳиятини ошириб бориш билан бирга кейинги йилларда нақд пул муомаласини тартибга солиш, яъни иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар ўз вақтида берилиши учун нақд пул массасининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, нақд пул айланмаси ҳар қандай давлат иқтисодиётининг барқарор ва изчил тараққий этиши ҳамда халқнинг турмуш фаровонлигини белгиловчи асосий омилдир.***

### Иш ҳақи, пенсия ва нафақа – ўз вақтида

Агар, айтиш мумкинки, банк тизими мамлакатнинг қон томирлари ҳисобланса, нақд пул уларда оқаётган ҳаётбахш қондир. Томирлардаги қон оқими ўз меъёрида ва барқарор бўлмас экан, киши хасталикка чалинади. Худди шу каби, нақд пул массаси фақат банк орқали айланмас экан, мамлакат иқтисодиёти издан чиқади, халқ турмуш даражаси пасаяди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2001 йил 22 июндаги "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ана шундай нохуш ҳолатлар юз беришининг олдини олишга қаратилгандир.

"Пахта Банк" мазкур қарорлар талабларини изчил амалга ошириш мақсадида бюджет ташкилотлари, хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва бошқа субъектлар ходимларининг иш ҳақлари, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида ва етарли миқдорда нақд пул билан таъминлаш юзасидан мунтазам амалий чоралар кўрмоқда. Натижада банк томонидан етказиб берилиши лозим бўлган ижтимоий тўловлар юзасидан шу йилнинг бошига нисбатан қарздорлик кескин камайтирилди.

Жорий йилда, айниқса, илгариги йиллардан фарқли уларoқ, ҳукуматимизнинг қатъий топшириғи ва яқиндан бераётган ёрдами туфайли жамоа, деҳқон ва фермер хўжаликларида хизмат қилаётган меҳнаткашларнинг ойлик иш ҳақларини бериб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йил бошидан буён ушбу мақсадларга 17 млрд. 790 млн. сўм нақд пул тарқатилган бўлса, бу жараён ҳозир ҳам банкнинг алоҳида эътибори ва назоратида турибди.

Бундан ташқари, банкка нақд пул тушумини кўпайтириш мақсадида республикамизда истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда тез нақд пулга айланувчи маҳсулотларни харид қилиш ва сотиш учун банклар томонидан кредитлар ажратиш, аҳоли бўш пул маблағларини жозибадор омонат турларига кўпроқ жалб этиш, мини банклар ва валюта алмаштириш шохобчаларини кенгайтириш ва улар фаолиятини жонлантириш, аҳолининг коммунал тўловларидан бўлган қарздорлигини кескин камайтириш каби бир қатор амалий чора-тадбирлар тизими йўлга қўйилиб, кенг жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, "Пахта Банк" нақд пул таъминоти билан чекланиб қолмай, бу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан ҳам қатъий назорат олиб бормоқда. Банк хизмат кўрсатаётган 1738 та корхона ва ташкилотдаги хазина интизомининг ҳолати, банкдан олинган иш ҳақлари қай даражада мақсадли ишлатилаётганлиги текширувларни мувофиқлаштириш республика Кенгаши тасдиқлаб берган тартибда тўлиқ текшириб чиқилди. 18 та корхонада йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида далолатнома тузилиб, белгиланган тартибда чора кўриш учун прокуратура идораларига, 290 та ҳолат юзасидан эса солиқ инспекцияларига тақдим этилди. Масалан, банкнинг Наманган вилояти Чортоқ филиали томонидан "Машинасозлик" ҳиссадорлик жамияти иш ҳақи учун олинган 5 миллион 785 минг сўм нақд пулнинг 147 минг сўмини бошқа мақсадларга сарфлаб юборилганлиги аниқланиб, далолатнома тузилди ва чора кўриш учун давлат солиқ инспекциясига тақдим этилди.

Бундай нопок тадбиркорларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари республика банк тизимининг нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартиришга қаратилган саъй-ҳаракатларига зид бўлиб, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг айрим жойларда вақтида берилмай қолишига олиб келмоқда. Фақат ўз манфаатини ўйлайдиган бу тоифа тадбиркорлар ижтимоий тўловлар кечикаётгани боис баъзан аҳоли норозилигини уйғотаётганини тушуниб олишлари зарур.

### Пластик карточка – қулай ва фойдали

Республика Президентининг "Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан сўнг "Пахта Банк" тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг яна бир қулай ва моддий жиҳатдан фойдали усули шаклланди. Бу нақд пулсиз тўлов пластик карточкалари бўлиб, у тобора такомиллашиб, кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги пайтга келиб, банкнинг пластик карточкаларига эга бўлганлар сони 10 минг кишидан ошди. Уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида банк тизимида 14 та банкомат ва 278 та терминал ташкил этилган. Талабгорлар сафи кенгайиб бораётгани сабабли, банкомат ва терминаллар сони ҳам жадал кўпайиб бормоқда. Чунончи, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан банкоматлар 1,7 баравар, терминаллар эса 120 тага ортди. Банк томонидан йил охиригача пластик карточкалар сонини 150 мингтага, терминаллар сонини мингтага, банкоматлар сонини 20 тага етказиш режалаштирилган.

"Ўзпахтасаноатсотиш" уюшмаси, Қашқадарё вилояти "Пахтасаноатсотиш" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси, «Қарши пахта тозалаш корхонаси» ҳиссадорлик жамияти, Хазорасп тумани давлат солиқ инспекцияси, Наманган вилояти машина-трактор парклари бирлашмаси, "Ширин иссиқлик электр станцияси" ва "Агрегат заводи" акциядорлик жамиятлари, Тошкент давлат аграр университети, "Ўзқишлоқхўжаликмаш-лизинг" компанияси, Қишлоқ хўжалигини қайта тузиш агентлиги ва бошқа бир қатор корхона-ю, ташкилотлар банкнинг доимий мижозлари бўлиб, уларнинг ходимлари ўз иш ҳақларини "Пахта Банк"нинг пластик карточкалари орқали олмоқдалар.

Бу йил Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Навоий вилоятларида ҳам банк пластик карточкалари жорий этилди. Шундай қилиб, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг бу қулай усулини республиканинг барча вилоятларида таш-

ABN·AMRO

**АБН АМРО БАНК МБ ЎЗБЕКИСТОН А.Ж.**

меҳнатсевар ва меҳмондўст
Ўзбекистон халқини буюк байрам –
Мустақиллик куни билан
чин қалбдан муборакбод этади!

Барчангизга оилавий
бахт-саодат,
фаровонлик ва мустаҳкам
саломатлик тилаймиз!



кил этишга эришилди. Натижада 2004 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, пластик карточкаларга жалб этилган маблағлар жами 2,4 миллиард сўмга етди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 2,1 миллиард сўм кўпдир.

Пластик карточкалардан фойдаланишнинг қулайлик томони шундаки, ҳар бир мижоз республика бўйича, хусусан, "Пахта банк", Миллий банк, "Асака" банк, "Уйжойжамғармабанк", Халқ банки ҳамда "Приватбанк" томонидан ўрнатилган терминаллар орқали савдо дўконларида, ёнилғи қуйиш шохобчаларида, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари ва ўрнатилган банкоматлар орқали накд пул олиши мумкин.

# ФАҚАТ БАНК ОРҚАЛИ

## *Омонатлар тараққиётга хизмат қилади*

Аҳолининг қўлида сақланаётган эҳтиёждан ортиқча бўш пул — ўлик маблағ эканлигини изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Агар шу пул омонат сифатида банкка қўйилса, энди у том маънода яратувчан кучга айланади. Яъни бундай омонатлар банкнинг ресурслар базасини тўлдиради. Улар эса иқтисодиётнинг аниқ тармоқларини кредитлаш ва молиялаштиришга йўналтирилиб, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш орқали турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, демакки, иқтисодий-ижтимоий тараққиётга хизмат қилади. Албатта, бунга эришиш биринчи навбатда банк ходимларининг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Мижоз ўзининг бўш пул маблағларини омонатга қўйиш учун банкдаги шарт-шароитларни, у ердаги тартиб-қоидаларни яхши билиши керак. Иккинчидан, банк ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини вақтида ва тўла-тўкис бажариши лозим.

"Пахта Банк" "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу масалага оид қарорлари талабларини ижро этиб бориб, молиявий муассасалар ўртасида салмоқли натижаларга эришмоқда. Аҳоли учун фойдали бўлган кўплаб янги омонат турларининг жорий этилаётгани боис омонатчилар ҳам, улардан жалб қилинаётган маблағлар ҳам кўпайиб бормоқда. Шу йил даромад миқдори ўзгарувчан йиллик 30-36 фоиз (6 ойга – 30 фоиз, 1 йилга 36 фоиз) бўлган "Эгаси номи кўрсатилмаган", уч ой ҳамда олти ой муддатга жорий этилган "Фаровонлик", йиллик 38 фоиз бўлган "Саховат" муддатли омонат турлари аҳоли ўртасида, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

Банк томонидан депозит ва фоиз сиёсати стратегияси тўғри танланганлиги натижасида омонатчилар сони ҳам, омонатлар миқдори ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. Масалан, банк томонидан 2004 йилнинг 1 августигача 14 турдаги муддатли омонатга аҳолидан жалб этилган маблағларнинг умумий миқдори 27 миллиард 804 миллион сўмга, шундан, жамғарма ва муддатли омонатлар 22 миллиард 42 миллион сўмга етди. Йил бошидагига нисбатан жами омонатлар 4 миллиард 177 миллион сўмга кўпайди. Аҳоли омонатлари юзасидан шу йилнинг ўзида 5 миллиард 21 миллион сўм фоиз даромадлари тўланди.

## *Кичик бизнес – янги иш ўринлари демак*

"Пахта Банк" 2004 йилда, айниқса, тадбиркорликни ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликларини, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга эътиборни янада кучайтирди. Бу йўналишдаги ишларнинг фаоллашганини қуйидаги мисолларда ҳам яққол кўриш мумкин. Банк хизмат кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари йил бошидагига нисбатан 7739 тага кўпайиб, айни вақтда 79748 тага етди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши томонидан тасдиқланган истиқбол режасига асосан, шу йилнинг 1 августигача бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 8867,5 миллион сўм кредит ажратиш белгиланган бўлса, амалда 9717,4 миллион сўм ажратилди. Режа эса 110 фоиз этиб бажарилди.

2004 йилнинг етти ойи мобайнида кичик бизнес субъектларининг 3954 та лойиҳасини молиялаштиришга жами 11,8 миллиард сўм кредит берилди. Бу маблағнинг 9,7 миллиард сўми банкнинг ўз ресурслари ва 2,1 миллиард сўми бюджетдан ташқари жамғармалар ресурслари ҳисобидан ажратилди.

Банк филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган ушбу кредит маблағлари қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳоли учун янги иш ўринлари очиш, кенг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини бермоқда. Масалан, ана шу субъектлар томонидан 2004 йилнинг 1 январигача жами 50010 та янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, ўтган етти ой мобайнида бу кўрсаткич 5995 тага кўпайиб, 54000 тадан ошди.

"Пахта Банк" мижозлари бўлган юзлаб иқтидорли тадбиркорлар банк кредитларидан оқилона ва самарали фойдаланиб, ишлаб чиқариш фаолиятларини ҳам тобора кенгайтирмоқдалар. Жумладан, "Шаҳзод Наргиз ўғли" савдо-ишлаб чиқариш фирмаси банкнинг Шофиркон филиали имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан олган 8 миллион сўмга 10 та тикув машинаси харид қилиб, миллий зардўзлик соҳаси бўйича 20 та янги иш ўрни очган эди. Ҳозирги кунгача фирма 14,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, уни вилоят аҳолиси ҳамда корхоналар ишчиларига ўзаро тузилган шартномалар асосида сотди.

Банкнинг Хоразм вилояти "Қоровул" филиали "Африи" масъулияти чекланган жамиятига яхна ичимликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 18 миллион сўм кредит ажратган эди. Бу маблағни самарали ишлатган жамият апельсинли, қулупнайли, олмали ва бошқа турдаги яхна ичимликлар ишлаб чиқарадиган кичик корхона барпо этиб, ишга туширди ва 21 та янги иш ўрни очди. Кредит олгандан буён ўтган даврда 85,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг 83,7 миллион сўмлигини сотишга улгурди. Натижада 17,1 миллион сўм фойда олди.

Ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларига банк хизматларини кенгайтириш, улар таркибида қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида эса банк томонидан 70 та лизинг олувчига жами 907 миллион сўмлик 96 та қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб берилди.

Кичик бизнес корхоналари, хусусий тадбиркор ва фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш учун бир қатор халқаро молия ташкилотларининг қўшимча ресурслари ҳам жалб этилган. Хусусан, Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг жами 22 миллион АҚШ доллари миқдорида, Осиё Тарраққиёт банкининг 22,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағлари жалб қилинган бўлиб, шундан 14,5 миллион АҚШ долларини имзоланган кредит шартномасига мувофиқ, кичик бизнес субъектларига микрокредитлаш орқали бериш кўзда тутилган. Бугунги кунда микрокредитлаш мақсадида ажратилган дастлабки 1,3 миллион АҚШ доллари банк филиаллари томонидан тўлиқ ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, банк Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё Тараққиёт банкининг кредит линиялари ҳисобидан йирик лойиҳаларни ҳам молиялаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган етти ой мобайнида Осиё Тараққиёт банки кредит линиялари ҳисобидан 2174 минг АҚШ доллари миқдоридаги 4 та лойиҳа молиялаштириш учун қабул қилинган эди. Ҳозирги кунда эса "Пахта Банк" томонидан хорижий кредит линиялари ҳисобидан умумий суммаси 37 миллион АҚШ долларига тенг 48 та лойиҳа молиялаштирилмоқда.

Лойиҳаларни хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштириш учун қабул қилиб олишда маҳаллий хомашёни қайта ишлаш орқали импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларга устуворлик берилмоқда. Натижада республика ҳудудларида хорижий техника ва технологиялар воситасида мева шарбатлари, томат пасталари, макарон маҳсулотлари, минерал сувлар, мева концентратлари, полипропилен ип ва қоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Пахта Банк" томонидан хорижий кредитлар ҳисобига молиялаштирилган кичик бизнес субъектларида, 2004 йил 1 август ҳолатига кўра, 3,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 1,5 миллион АҚШ долларилик қисми экспорт қилинди.

**Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ.**


## НИЗОМИЙ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**раҳбарияти ва жамоаси мамлакатимиздаги энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири бўлмиш бизнинг университетимизга тест синовларини муваффақиятли топшириб, давлат қабул комиссияси қарори билан пулли-тўлов шартнома асосида қабул қилишга тавсия этилган барча абитуриентларни муборакбод этади.**

**Таълим тури, тили ва шакли бўйича қуйидаги балларни тўплаган абитуриентларни университет қабул комиссиясига мурожаат этиб, шартномаларни расмийлаштириб ва пулли-тўлов шартларини 2004 йил 15 сентябргача бажаришларини сўраймиз.**

**Қабул комиссияси университетнинг 4-ўқув биносида жойлашган.**

*Таълим шакли — кундузги*

| Таълим йўналишлари , | | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 1001 | – Математика ва информатика | 129,00 дан 101,10 гача |
| 1002 | – Физика ва астрономия (Физика ва астрономия, меҳнат таълими) | 91,80 дан 76,20 гача |
| 1004 | – Кимё ва экология | 142,90 дан 117,50 гача |
| 1005 | – Биология ва инсон ҳаётий фаолият муҳофазаси | 134,60 дан 110,90 гача |
| 1006 | – География ва иқтисодий билим асослари | 105,30 дан 90,90 гача |
| 1007 | – Ўзбек тили ва адабиёти | 142,60 дан 119,70 гача |
| 1015 | – Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари | 167,20 дан 126,40 гача |
| 1018 | – Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш | 116,00 дан 95,00 гача |
| 1019 | – Мактабгача таълим ва болалар спорти (Мактабгача таълим ва болалар спорти, дефектология) | 107,00 дан 75,50 гача |
| 1021 | – Педагогика ва психология | 121,30 дан 92,80 гача |
| 1025 | – Инглиз тили | 164,00 дан 146,80 гача |
| 1026 | – Немис тили | 162,20 дан 141,00 гача |
| 1033 | – Тарих | 137,80 дан 116,1 гача |
| 1042 | – Машинасозлик | 88,60 дан 75,70 гача |
| 1045 | – Агрономия | 119,20 дан 81,60 гача |
| 1150 | – Мусиқий таълим | 115,70 дан 75,70 гача |
| 1182 | – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | 104,00 дан 81,00 гача |
| 1275 | – Амалий санъат | 112,60 дан 83,40 гача |
| 5201 | – Қозоқ тили ва адабиёти | 95,10 дан 76,40 гача |

*Таълим шакли — махсус сиртқи*

| Таълим йўналишлари | | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 1002 | – Меҳнат таълими | 78,30 дан 68,30 гача |
| 1018 | – Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш | 91,80 дан 73,00 гача |
| 1019 | – Мактабгача таълим ва болалар спорти | 121,80 дан 80,60 гача |
| 1150 | – Мусиқий таълим | 110,80 дан 79,20 гача |
| 1182 | – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | 104,70 дан 69,40 гача |

**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.
Қабул комиссияси телефони: 55-70-27.**




## Мустақиллик: давр, воқеалар, одамлар

***Яқинда олий таълим муассасаларига навбатдаги ўқув йилига қабул билан боғлиқ тест синовлари бўлиб ўтди. Унинг натижалари вақти келиб мутахассислар томонидан, албатта, батафсил таҳлил этилади. Лекин ҳозирнинг ўзида ҳар бир ўзбекистонликни мамнун этадиган айрим маълумотларни келтириб ўтиш имкониятига эгамиз. Масалан, мамлакатимиз ёшлари ўртасида олий таълимга қизиқиш тобора кучайиб бораяпти. Олий ўқув юртларига ҳужжат топшираётган абитуриентлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Жумладан, Тошкент давлат техника университети (ТошДТУ)га кириб ўқишни хоҳловчи ёшларнинг сони кейинги йилларда бир ўринга 4-5 тадан кам бўлмаяпти. Бу йил ундан ҳам кўпайди. Айниқса, машинасозлик, ахборот технологияси, нефть-газ, энергетика, радиоэлектроника ихтисосликлари йўналишларида тест танлови юқори даражада бўлди.***

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ВАТАН ҚУДРАТИ



Университетимизда ёшларга олий таълим беришни такомиллаштириб бориш йўлида янги-янги имкониятлар излаб топилмоқда. Шулардан бири — иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларнинг илмий-техник салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қилинаётганлигидир. Худди шу мақсадда, университетда «Иқтидорли талабалар гуруҳи» ташкил этилди. Бу гуруҳ Ёшларнинг Беруний номидаги кичик академияси, деб ҳам аталади.

Президентимиз Ислом Каримов бир неча йил бурун Ўзбекистон ёшлари тўғрисида ғурур ва оталарча меҳр-муҳаббатга тўла шундай сўзларни айтган эди: «Азалдан халқимиз орасидан доно ва истеъдодли ёшлар кўп чиққан, улар ақлу заковат бобида дунёни лол қолдиришган. Сиз, фарзандларимизнинг томирида инсоният маънавий хазинасига улкан ҳисса қўшган Амир Темур, Имом Бухорий, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг қони жўшиб турибди».

Зеро, иқтидорли ёшлар тарбияси — Ўзбекистон таълими тарихида биринчи марта фақат мустақиллик давридагина давлат сиёсати даражасидаги масалалардан бирига айланди. Ва бу йўлда Истиқлолимизнинг ўтган 13 йили мобайнида жуда катта ютуқларга эришилди. Биргина бизнинг университетимиз қошидаги Ёшларнинг кичик академияси бағридан ўтган 4 йил мобайнида шундай кадрлар етишиб чиқдики, уларнинг салоҳияти ривожига фақат республикамиздагина эмас, балки қатор хорижий давлатларда ҳам тан бермоқдалар.

Кичик академиямиз, яъни университет факультетлари қошида вужудга келган «Иқтидорли талабалар гуруҳлари»га 2001 йил сентябрь ойида асос солинди. Уларга биринчи курс талабалари орасидан интеллектуал куч соҳиблари танлаб олинади. Ҳозирги кунда I-III курс талабаларининг 100 нафардан кўпроғи бу ерда махсус фанлардан инглиз тилида чуқурлаштирилган таълим олмоқда. Уларнинг орасида биринчи курс талабалари 65 нафардан ортиқроқ. Улар билан университетнинг ривожланган хорижий давлатлардаги нуфузли олий таълим марказларида малака ошириб қайтган энг кучли профессор-ўқитувчилар машғулотлар олиб бормоқдалар. Ишончимиз комилки, илмий тафаккурнинг катта йўли бошида турган бу ёшларнинг аксарият қисми яқин келажакда республика ва халқаро миқёсдаги энг фахрли совринларга сазовор бўлади. Ҳозирнинг ўзида университетимизнинг 10 нафар энг иқтидорли талабаси Беруний номидаги республика давлат стипендиясини олиб ўқимоқда. Яна неча ўнлаб ёшлар қатор халқаро танловларнинг ғолиблари бўлдилар. 150 дан кўпроқ талабаларимиз чет эл грантларига сазовор бўлиб, Европа, Япония, Корея Республикаси ва бошқа хорижий давлатларда ўқишни давом эттирмоқда.

Кичик академиямизда ҳар бир талабага алоҳида талаблар қўйилади: улар нафақат сидқидилдан ўқиши ва илм-фанларни ўзлаштириши, балки янги илмий-техник ғояларни топиши, уларнинг илмий-амалий ечимини излаши, ўз илмий лойиҳаларининг долзарблигини исботлай олиши ва курашиши ҳам керак. Бунинг учун уларга университет илмий лабораторияларида ва кафедраларида катта шароит яратилади. Айниқса, университетда тўрт йил аввал ташкил этилган ва анъанавий тус олган «Фан ва техника тараққиётида ёшлар», деб ном олган илмий-амалий конференциялар бу борада иқтидорли ёшларга ниҳоятда катта майдон яратмоқда. Конференцияда бўлажак бакалаврлар, магистрлар, аспирантлар ўз илмий изланишлари ва ишланмалари билан йирик илмий аудиторияни таништиради. Ушбу конференция мақомини унинг сўнгги йилларда тобора юқорига кўтарилиб бораётган обрў-эътиборига қараб ҳам тасаввур этиш мумкин. Агар Кичик академия ташкил топган дастлабки йилда уюштирилган биринчи конференцияда 200 нафар киши қатнашган бўлса, жорий йилнинг май ойида ўтган навбатдаги анжуманда 650 нафар иқтидорли ёш олим унинг минбарида туриб ўзбек, рус, инглиз, француз, немис тилларида қизиқарли маърузалар қилдилар. Конференция ишида республикамизнинг илм-фан намояндаларидан ташқари қатор чет давлатлардан келган олимлар ва элчихоналар раҳбарлари ҳам иштирок этиб, улар иқтидорли талабаларимизнинг маърузаларини катта қизиқиш билан тингладилар. Донгдор олимлар ва ишлаб чиқариш намояндаларидан тузилган илмий ҳайъат аъзоларига энг яхши маъруза ва маърузачини танлаш осон кечмади. Маърузалар бири-биридан аҳамиятли ва кучли эди. Шундай бўлса-да, 120 нафар энг кучли, энг саралардан сара ёш тадқиқотчи маърузалари танловга ажратилди. Улардан 11 нафари энг қимматбаҳо совғаларга сазовор топилди ва мақолалари университет Кичик академияси қошида ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр этилаётган ва ҳозирнинг ўзида кўпгина хорижий давлатларга тарқатилаётган «Техника юлдузлари» журналида чоп этиш учун тавсия қилинди. Мазкур журналнинг таҳрир ҳайъати орасида Франция, Германия, яқин қўшни давлатлардаги бир қатор машҳур олимларнинг номларини ҳам учратасиз. 2002 йилнинг февраль ойида «Техника юлдузлари» журналининг юксак савияси Францияда жойлашган Стандартлаштириш халқаро ташкилоти томонидан эътироф этилиб, дунёдаги халқаро илмий нашрлар рўйхатига киритилди. Унинг саҳифаларида иқтидорли ёш ўзбекистонлик олимларнинг дунё илмий жамоатчилиги диққатини тортган фаолияти, илмий изланишлари тўғрисида батафсил маълумотлар берилмоқда.

Жумладан, университет Энергетика факультети талабаси Павел Козловнинг Қуёш энергияси тўғрисидаги тадқиқотлари чет элларда ҳам алоҳида қизиқиш уйғотди. Ёш олим «Нобель мукофотига биринчи қадам» фахрли Халқаро дипломи билан тақдирланди.

Иқтидорли ёш олим Шуҳрат Қаюмов ҳам катта фан йўлига чиқиб, ўзининг ажойиб ютуқлари билан мустақил Ўзбекистонда илм-фан йўлида ёшлар қандай улкан имкониятларга эга бўлаётганлигини дадил намойиш этди. У талабалик давридаёқ таълимдаги ютуқлари ва муваффақиятли илк илмий тадқиқотлари учун «Шуҳрат» медалига сазовор бўлган эди. Аспирантурада ўқир экан, Кичик академия даражасида «Ахборот технологияси ва бошқарув» йўналишида Президент стипендиясига муносиб, деб топилди. Унинг илмий ғоялари «Насос станцияларини моделлаштириш ва оптимал бошқариш» мавзусидаги фан номзодлиги илмий ишида ўз ифодасини топди. Унинг ташаббускорлиги, ижодий-илмий шижоати «Ўзбекистонда масофавий таълим» халқаро ТЕМПУС-ТАСИС лойиҳасини университетда амалга оширишда ҳам яққол намоён бўлди.

Университет ўз иқтидорли талабаларининг жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари билан илмий ҳамкорлигини ҳам ривожлантирмоқда. Масалан, энергетика факультети аспиранти Эркин Матжонов Германиядаги Штутгарт технология институти профессори Клаус Хайн ва Номарказлаштирилган энергия конверцияси департаменти раҳбари Роланд Бергерларнинг илмий раҳбарлигида иссиқлик электр станцияларини модернизациялаштириш муаммолари устида қизғин илмий иш олиб боряпти.

Яна бир Президент стипендияси совриндори Одилжон Никадамбаев бу йил бакалавриатурани муваффақиятли битириб чиқди. У 2001 йил 15 мартда Тошкентда ўтган «INTERNET UZ» биринчи миллий интернет фестивалида иштирок этиб, «Энг яхши ёш дастурчи» номинацияси бўйича ғолиб, деб топилди. Одил Ўзбекистон ҳақидаги туристик сайтни яратди, унда республикамиз тарихи, ёдгорликлари, бугунги ҳаёти ҳақида маълумотлар берилган. У Япониянинг «Сумитомо Корпорейшн» фирмаси стипендиантлигига сазовор бўлди. Одил томонидан Интернет тармоғидан турли йўналишлар бўйича маълумотларни автоматик йиғиш тизими «E-Collektor» яратилган. Шуни ҳам айтиш керакки, Одил ишлаб чиққан дастурлар ҳозирда хорижий давлатларда ҳам қўлланилмоқда.

Давр талабларига биноан, ТошДТУ мамлакатимизнинг кўпгина устувор тармоқлари учун малакали мутахассис кадрларни тарбиялаб етиштиришдан ташқари, ўзига хос илмий-амалий марказлардан бирига ҳам айланмоқда. Жумладан, университетдаги ёш олимлар давлатимиз томонидан молиялаштирилган 53 та илмий-амалий лойиҳани юзага чиқаришда ҳамда йирик саноат корхоналари ва идоралар томонидан тушган 68 та буюртмани бажаришда фаол иштирок этмоқдалар.

Бу — давлатимиз томонидан изчиллик билан кадрлар тайёрлаш соҳасида амалга оширилаётган ва мустақил давлатимизнинг қудратли келажагини таъминлашга қаратилган ҳаётбахш сиёсатнинг ҳозирнинг ўзидаёқ эришилган ютуқларидан биридир.

Университетимизда зеҳнли, иқтидорли ёшлар атрофида яратилган ижодий муҳит ва уларнинг эришаётган ютуқлари қолган талабаларни ҳам ўзига мафтун этмоқда, уларни ёшликнинг ҳар бир куни, соати ва дақиқасини мазмунли ўтказишни, ижод ва илм учун ажратилган вақтдан самарали фойдаланиш тўғрисида ўйлаб кўришга ундамоқда. Беруний академияси ёшларимизнинг ақлу заковатини бунёдкорлик ишларига сафарбар қилишга даъват этаверади.

**Карима НОРҚУЛОВА,**
**техника фанлари доктори, ТошДТУнинг илмий ишлар бўйича проректори.**



## Куйла, дилкаш дуторим...

*Фориш туманидаги Сайёд қишлоғида мўътабар отахон яшайди. 83 ёшни қоралаган Мунаввар ота Акромов дутор чертганда ҳатто қушлар ҳам тин олади. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан куйлаганида эса беихтиёр берилиб тинглайсан, киши. Отахон «Боғдон гуллари» этнографик халқ дастаси фаол қатнашчисидир.*

**СУРАТДА:** Мунаввар ота Акромов.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ** олган сурат.

## «Оналар — тинчлик тарафдори»

Ўзбек Миллий академик театрида мустақиллигимизнинг 13 йиллигига бағишланган "Оналар — тинчлик тарафдори" мавзуида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда турли соҳаларда меҳнат қилаётган, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган 600 нафарга яқин хотин-қизлар иштирок этди, деб хабар беради "Туркистон-пресс" мухбири А. Пирниёзов.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни асраш ҳамда баркамол авлодни тарбиялашда мамлакатимиз хотин-қизларининг ўрни ҳақида гапирдилар.

## Махсус ўқув семинар

"Бунёдкор" ёшлар телеклубида Ўрта махсус таълим муассасаларидаги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг фаолиятини янги ўқув йилида янада такомиллаштириш, ўқувчиларнинг жамоатчилик ишларидаги фаоллигини оширишга қаратилган махсус ўқув семинари уюштирилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув семинарда пойтахтда жойлашган Ўрта махсус таълим муассасалари директорлари иштирок этишди.

Семинар дастурига мувофиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежи директорларининг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг ҳаётдаги ўрни, ҳаракатнинг янги ўқув йилидаги вазифалари ва бошқа масалалар кўриб чиқилиб, таҳлил қилинди.

**С. ДОНИЁРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

### Жаҳон спорти

## Канадаликлар ҳакамлардан норози

Канада Миллий олимпиада қўмитаси Халқаро гимнастика федерациясига норозилик билдирди. Канада МОҚ вакиллари эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақаларда ҳакамлар хатти-ҳаракатларига эътироз билдиришмоқда.

Канадалик Кайл Шьюфельт индивидуал беллашувларда руминиялик Мариан Драгулескудан кўра кам баҳо олди. Канада МОҚнинг фикрича, ушбу мусобақаларда ҳакам атайлаб руминиялик гимнастикачининг хатосини "кўрмаган" ва натижада у бронза медалига сазовор бўлди.

Канадаликлар ушбу мусобақаларда ҳакамлик қилаётганлар орасида Руминия вакили борлиги ана шундай ҳолат юзага келишига сабаб бўлди, деган фикрни билдиришмоқда.



## Терма жамоа рўйхати эълон қилинди

Футбол бўйича Словакия терма жамоаси бош мураббийи Душан Галис 2006 йили Германияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида Россия ва Лихтенштейн терма жамоаларига қарши майдонга тушадиган ўйинчилар рўйхатини маълум қилди.

Словаклар "Германия — 2006" саралаш мусобақаларининг дастлабки ўйинида люксембургликларни қабул қилди. Ўйин 3:1 ҳисобида словаклар фойдасига ҳал бўлди.

## «Терек» УЕФА кубоги қатнашчиси

Футбол бўйича Россия кубоги соҳиби Грознийнинг "Терек" жамоаси УЕФА кубоги баҳсларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Чеченистон пойтахти жамоаси Польшада маҳаллий "Лех" жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.




Москвада ўтказилган биринчи ўйин ҳам ана шундай ҳисобда "Терек" фойдасига ҳал бўлган эди.

## Мусаввир нигоҳидаги мусаввир

***Тошкент (ЎзА мухбири Нозокат УСМОНОВА).***

Ўзбекистон Давлат санъат музейида "Рассом — рассом нигоҳида" мавзуида бадиий кўргазма очилди.

Мазкур даргоҳда эллик мингдан зиёд нодир осори-атиқалар сақланади. Тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик асарлари эса музей хазинасидаги энг ноёб экспонатлардандир.

Кўргазмада элликка яқин ана шундай нодир асар намойиш этилмоқда. Чингиз Аҳмаровнинг "Р.Тимуров портрети", Раҳим Аҳмедовнинг "Мусаввира Р.Исматова портрети", "Ў.Тансиқбоев портрети" каби асарлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.


**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!** Товар сертификатланган



«ГАЗ-31105»

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ**

**«ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.**



«ГАЗ-3102»



«ВАЗ-2106»

**Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эвазига автомобиль етказиб беришни таклиф қилади.**

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62;
Наманганда: (36944) 22-35-9, (99897) 104-25-86.



«ГАЗЕЛЬ»



*Давлат, хусусий ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ**

**2004 йил 25 августдан 20 сентябргача**
**қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун**
**тендер эълон қилади:**



- *трикотаж маҳсулотлар;*
- *қишки пайпоқлар;*
- *аскарларнинг яримжун одеяллари.*



**Тендер қуйидаги манзилда ўтказилади: 700000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, академик Абдуллаев кўчаси, 100-уй. Техник ҳужжатларни қабул қилиш — 2004 йил 25 августдан 2004 йил 20 сентябргача. Ишчи гуруҳ томонидан танловнинг дастлабки босқичидан ўтказилган тендер иштирокчиларидан таклифларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2004 йил 20 сентябрь соат 18.00 гача.**

**Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефон орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-69. Факс: 169-86-42.**

Хизматлар лицензияланган.


Қашқадарё вилоят ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Машариф Юсуповга падари бузруквори

**ЮСУФЖОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ФА ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА академиги, академиянинг Қорақалпоқ бўлими раиси, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган шифокор

**Турсунбой Бойжанович ЕШЧАНОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзиккиламчиранглиметалл" ОҲЖ жамоаси Бухоро шўъба корхонасининг директори бўлиб ишлаган

**Ахтам БЕРДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси жамоаси Андижон вилояти филиали директори Ўткирбек Бектемировга волидаи муҳтарамаси

**ҚУМРИХОН онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекинвест Ассистанс» сервис агентлиги жамоаси суғурта даъволари билан ишлаш гуруҳи менежери Жамшид Ризаевга онаси

**РАМЗИЯ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Молия институти жамоаси Иқтисодий информатика кафедрасининг катта ўқитувчиси Умар Асраевга рафиқаси

**Гулзода АСРАЕВАнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 1 2 3 4 5